



ДАМ ОЛИШ

ОНА сайрамада яшовчи барча инсон зоти учун мушарак бўлган саломлашув ода-ти киши қадр-қиммати-нинг нечоғлик баландлигидан дарак беради. Саломлашув ода-ти олдда йш қари баро-бардир. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Салом бериш фарз, алиқ олиш қарз» деб бежиз айтмаган.

Саломлашуш, ҳол сўра-раши инсонга хос бўлган ажойиб фазилат, одамийликнинг олий белгиси, дил саховати ва ҳурмат ифодасидир. Бу баёбоқ умумбашарий ода-тининг яна бир нусخаси бўлган саломла-лашуш деганда бир инсон иккинчи инсонга ўзининг энг азгу тилла-ларини, самимий истак-ларини байн этади.

Мўтабар ода-тининг барча қону-қоида ва мезон-ларига амал қилиниши зарурий натижадир.

Саломлашуш услуби-дан то «Ассалому алейкум» сўзининг талаффу-зигача киши юксак на-зокат, терең эҳтиром, тили ширинлик ва чини самимият билан ижро-этомга лозим. Минг афсуски, ҳаётимизда саломлашуш, сўрашиш ода-тининг барча мезон-ларига амал қилмайдиганлар ҳам бор. Бун-дай ҳолат аксари йшлар орасида учрайди. Баъ-зилар бир-бирларини кўрганларида «Салот», «Привет», «О кей!», «Қалайсиз!» сўзларини ишлатадилар. Еки ҳам-масидан ҳам ёмон, берган саломини ҳам миннат қилиб «Салом берди» дегуечилар ҳам бор. Яна ода-тининг те-

*** Инсонийлик фазилатлари**

ҚУЁШ НУРИГА ҲУШШАЙДИ

Албатта, ҳар бир халқ ёхуд миллатнинг саломлашув услуби ва ани шу жараёнда айта-ладиган сўзлари ўзига-булади. Аммо бу сўз-ларнинг ҳар биттиси эз-гулик, меҳрга, яхши-ниятга бориб тақалади.

Ўзбекиларнинг араб-чадан олдин «Ассало-му алайкум» «Сизга тинчлик тилайман» маъ-носини англатганидек, ўзга миллатларнинг сал-ом бериш ода-тида ҳам маъноси шунга ҳамоҳанг сўзлар ишлатилади. Ҳиндистонликлар қўл-ларини жуфт қилиб пешона-ларига тегиздилар ва «намасте» деб хитоб қиладилар. Бу билан «Беш омон бўлса, сиз билан доим бирга» дегуечилар буладилар. Форсийлар ўнг қўлларини манглига қўйиб саломлашадилар. Бун-нинг маъноси: «Бошимиз омон бўлсин деган. Хитой-ликлар саломлашаётган-да «Чин-фан-ля-ма» дейдилар. Бу — «Қор-нингиз тўқими» дегани-дир.

Саломлашуш ода-ти жуда қадим замонлар-да, инсон ҳали ибтидоий жамоа вақили эканлиги-даёқ пайдо бўлган. Бат-ти қабилалардаги ибти-доий одамлар бурунла-рини ишқаб саломлаш-ганлар. Баъзилар эса бир-бирларининг қўл-ларини ушлаб, қисиб қўйганлар ва бу билан «Мана кўр, қўлингиз тўқимон йўқ, сени ўл-дирмайман» дегуечилар бўлганлар. Ибтидоий даврда вужудга келган ана шу қўл қисиб се-ломлашуш барча инсон-ларга мерос қолиб, дунё халқлари учун ода-ти тусига кириб кет-ган.

Ўзбекилар «Ассалому алайкум» дейиш билан бирга ўнг қўлларини чап қўлига қўйиш ода-тига эга. Ҳоқ эркак бўлсин, хоқ аёл, барча бир-бири билан қўл-ни қўлига қўйиб саломла-шади. Халқимизда се-ломни эшитмайдиган масофада турган кишига ўнг қўлларини юрак устига қўйиб, ним тав-зим қиладилар. Қўл-ни юрак устига қўйиб се-ломлашуш «Орагим-дан чиқариб сизга ях-шилик тилайман» деган маънони билдиради.

Саломлашуш одоби ҳам инсон ҳақида муҳим аҳалятга эга-дир. Салом — турмуш одоби деб аталмиш қо-шонининг олтин дарва-заси ва инсон қадр-қиммати китобининг зарҳал сарҳаҳасидир. Ота-боболаримиз «Сўз боши асалом» деб бе-жиз айтмаганлар. Эро, барча ишлар, барча сўхбат ва мусоха-балар барча янлар ана шу муҳаддас ну-ла — «Ассалому алейкум»дан бошланади. Шундай экан, ушбу

*** Янги кун тонини**

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК ҚЎШИҒИ



ОППОҚ экран ёришадиган томошабин кўзи олдига Ўзбекистон халқ рессоми Баҳодир Жалолов намоён бўлади. Унинг қўлида мўйилан. Ҳаёлга қарқ, У сурат чизмоқчи. Лекин қандай сурат? Бугунги Ўзбекистоннинг истиқлолга эришган Ўз-бекистоннинг қиёфасини ақс элтirmoчи рессом.

Мусаввир ҳаёлининг давомидек акра-нда Ўзбекистон Республикасининг байроғи ҳўлираб кўринади. Шу байроқ юртимиз узра мағрур ҳўлираши учун неча-неча ас йўл юриб келдик акир. Бу йўлларнинг бир боши кўнча тарихга боғланган бўлса, иккинчи боши эса ну-ри келажакка элтади.

Мана, қадим кунларнинг гувоҳи ер остида қазиб олинган ҳайкаллар... Улар-да неча-неча йилларнинг сир-асрори, губори бор экан? Улар қадим Турон-нинг ёдгорликлари. Улар Турпоқалъа, Қўйирғилар, Жонбосқалаларнинг эгалари бўлган ақдоқларимизнинг сий-молари.

Самарқанд, Бухоро, Хива... Мирзо Улугбек қурдирган муҳтамак расадхо-на... Ҳаёл қўнғини Темурийлар даври-га бориб боғланади.

Ўзбекистон бозори... Анвойи тармав-лар, қовун-тарвузалар. Хар бирида бир қўёш ақс этган нони Осийлар... Қараб кўзингиз тўймайди.

Экрандаги воқеаларга ҳамоҳанг му-сақа садолари янграйди. Сухандоннинг доно-доно сўзлари эса ўтмиш ва кел-ажак ҳақидаги лентига кўчган ҳўжояни ончимага муҳрайди.

Президентимиз Ислом Каримов акра-нда намоён бўлганда қалбимиз эриб шуккуга тўлади. Унинг сўзларида бир олам маъно...

Кўни кечганича нишонланган Ўзбеки-стон Республикаси Мустақиллик кўни. Улкан майдон узра юртбошимизнинг сўзлари парвоз қиладилар. «Ҳасин миллий мустақилликимиз!» ўтмишдан то мустақиллик кўнигача бўлган масофа. Бу масофа жуда олис кечди халқимиз учун. Бу кутлуқ кун учун неча-неча фидоилар жонларини фидо этдилар.

Экранда бирин-кетин Саудия Араби-стони, Туркия, Жанубий Кореяга қилин-ган сафарлар тасвири кўринади. Жид-дадаги юртдошларимизнинг Президент-нинг кўлларини кўларига суртишларини кўриб, халқимиз, тақдир тақозоси билан тариндек тўрираб кетган халқи-миз бу кўни қанчалар орағиб кут-гани юрак-юракдан ҳис оتماзи.

Халқимиз қўнқўллаб бировдан зор-лашиб нараса кутмайди. У истиқлолни ўз меҳнати билан амалга оширди, ўз меҳнати билан асрайди.

Кўни кеча жамоатчилик кўнғинига ўтган «Ўзбекистоннинг ўз тараққий-тўйли» ҳўжжатли фильмида ана шу гой

нурдек яряраб туради. Биз фильм ижодкорларидан бири режиссёр, Ўзбеки-стон халқ артисти Даврон Салимов билан учрашиб, бир неча саволлар билан мувожаат қилдик.

— Даврон ака, бу истиқлол ҳақидаги биринчи фильмнингизми? Уни қимлар суратга олган?

— Аввалроқ ҳам бир фильм яратган эдик. Лекин маълум сабабларга кўра у намоён қилинмади. «Ўзбекистоннинг ўз тараққий тўйли» фильмининг Асқар Шоаҳмадوف, Уттам Ризаев, Эргаш Шоносуповлар суратга олиди. Давроце бу фильм Президентимиз шу кўнларда расмий таширф буюрган Германияда ҳам намоён этилди.

— Демак, истиқлол ҳақида фильм яратилиш кўндан бери оруз қилган экан-сиз-да?

— Албатта! Биринчи кўнлардаёқ бу оруз тўғилган эди. Вақти-соати бугун экан. Фильмни яратилган кўнда тўтган мақсадим — истиқлол Ўзбекистонга на-ма бери, деган саволга атрафлига жа-воб беришдир. Чиндан ҳам Ўзбекистон-нинг жаҳон ҳамжамиятига, Ёрилшан Миллавлар Ташкилотига аъзо бўлиши, юртимизда 40 дан зиёд давлат элҳо-наларининг очилиши шу истиқлол бер-ган мевадир эмасми?

— Истиқлол Ўзбекистонни жаҳон-га танитди, унинг меҳнатқам одамлари бор экан бу юрт муваззам бўлиб абадий ер кўрасида туради» деган фикрини то-мошабин уқиб олади. Фильм сув ва ери-ни қўлида тутиб, ўнгулек бўлиб турган Дехқон қиёфаси билан туташ шунга ишора бўлса керак!

— Тўрри англабсиз. Фильм бошида мусаввир Баҳодир Жалолов себорга кўрсатилмаган, Фильмдаги манаралар у чиқадиган, ақиб мавзулар десам ҳа-қиқатни айтган бўламан. Бу, албатта, истиқлол ҳақидаги биринчи иш, ҳали бундан ҳам тўлақонли ленталар яратди ижодий жамоамиз.

— Раҳмат, Даврон ака, киноҳужжат-чиларга ижодий ютуқлар тилаймиз.

Ўзбекистон хроникал ва ҳужжатли фильмлар студиясида иш қилгани. Хар бир режиссёрнинг юрагида ижодий ре-жалар қайнаб турибди. Истиқлолнинг биринчи қўшиғини яратган киноҳужжат-чилар жамоаси ҳали дарвозимизга муво-сиб кўллаб ленталар яратилиш шак-шў-ҳасидир.

Ғолиб МИРЗО.

● СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистоннинг ўз тараққий тўйли» ҳўжжатли фильмининг дан лавҳалар.



ТАП ЁШДА ЭМАС...

● ОТА Полвонов ўзбек халқ амалий санъати намо-нидаси, ёғоч ўймакорлиғи-нинг биринчи вақили, 80 ёши-да Тошкентдаги А. Навоий номидаги театр учун ойна-лар беағдига қатнашган. 85 ёшида Урганч юквозали учун 4 та икки табақали ойнанинг беағди. 95 ёшида Маданият вазирлиги бадий кўргазма ва панорама-лар дирекцияси эшига ва устуғларини беағд берган.

● 12 ЁШИДА Заҳирид-дин Муҳаммад Бобур мам-лакатини идора қилгани ва ақаонга машҳур «Бобури-нома» асарини ёзишни бошла-ган эди.

● ЎЗБЕК шоири Мулла Қўшқо Тошмуҳаммад ўғли 12 ёшидан «Мискин» таҳал-лусида шеърлар ёзган.

● ИГИРМА ёшида ету-н хатто бўлиб етишган Сул-тонали Маъшадий хаттолик санъати наварийтисидир. У 1519 йил 84 ёшида хат-толик иқодларини ҳақида хаттолик иборат рисола ёзган. Сарой ақли орасида ҳам муштоз шоир бўлган маълум.

*** Маишур кишилар ҳаётидан**

СИНЧКОВЛИГИ ҚЎЛ КЕЛДИ

ЯҚШАНБА кўни эди. Физик Вил-гельм Рентген дам олиш кўнини яқин-лари даврасида ўтказиш учун уйига от-ланаётганиди. Аммо аввал шогирдларидан бирортаси асбобларни тартибсиз қолди-рмади, деб лабораторияни синчиклаб қараб чиқиши керак. Рентген тартибни шундай яхши кўрардики, шунчаки яхши кўрмасди, унга сўйнарди. Жаноб профессор Германияда энг моҳир тақриба-чи, деб танилган бежиз эмас.

Ҳама нараса ўз жойида шекилли. Баланд қўлол гадалди профессор лабо-раториянинг уч қетидан қетига енгил-гина юради. Унинг узун соқоли асбоб-ларга тегай-тегай дейди. Қўтлмаганда, қатъий тартиб тарафдорининг бургут-нидай ўткир нигоҳи барий бирикмаси су-рилган катта қардон парчасига тушиди. «Доннерстеттер! Уни жойига қўйишни унутган қайси ношуд экан!»

Рентген узун, эгил қўлини қўзиб қардонни олд ва Крукс разряд трубка-сига суяб қўйди. Шогирдлардан бири тақрибда ўтказётган нурига қара қо-ғондан қилingan гилф билан маҳкам ёпилган эди. Рентгеннинг лаборатория-сида ҳавоси сўрилган найдадаги электр разрядни ўрганларди. «Бўлди, шекил-ли».

қўлфининг аниқ тасвири кўринади. Бу сафар сийрақлашган газли най ажойиб бир туҳфа берди. Янги, ҳамма нарсадан ўтадиган, сирли нурлар кашф этилди!

ОЛИЖАНОБ КЮРИ ХОНИМ

1920 ЙИЛНИНГ баҳор кўнларидан бирида Париждаги Радий институтга таниқли америкалик журналист Мелони хоним таширф буюрди. У Нью-Йоркнинг кўзга кўринган журнали топишириг билан бир ерга келган бўлиб, дунёга танил-ган олимпиа, икки марта Нобель мукофоти нишондори Мария Склодовская-Кюри-дан интервью олмақчи эди. «Эшиқ очил-ди, — кейинчалик эсланган эди Мелони хоним, — ранги ўчган, юзлари гамнон умчтан бир аёл кириб келди, мен ҳали умримда бунанасини учратмаган эдим. У иш газламадан тикилган қора кўйла-да бўлиб, унинг ажойиб, беозор юзлари-да азоб-ўқубат чеккан кишилар юзида бўладиган маъносиз, дунёни тарк қил-гандек ифода ақс этарди. Бу фақат бор-лиги билан илмий ишга шўнғиб кетган одамларда бўлади. Мен дарҳол ўзимни чақирилмаган меҳмон эканлиғимни ҳис қилдим». Аммо сўхбат бўлиб ўтди ва сўхбат охирида Мелони хоним олимпиага қўйидаги саволини берди: «Атарда сизга ўзингизни бутун дунёга танитдиб қўй-диган бир нарсани танилаш имкони бе-рилса сиз хоҳиш-истаганигизга қараб ни-мани танилаш бўлардингиз?» «Менга тақдиротларимни давом эттириш учун бир грамм радий керак, холос, бироқ, мен уни сотиб ололмайдман. Радий ҳам-нингма тўғри келмайди», — дея жаовб берди Мария Кюри.

Мелони хоним олимпиага ёрдан бериш орузини билан «на бозилди. Бироқ бу-нинг учун унда ҳам юз минг доллар йўқ эди. Топиш журналистнинг халига ялл этиб бир фикр келди: Кюри хонимга бир грамм радийни унинг ватадошлари ҳади қилса-чи!»

У Нью-Йоркка қайтиб келгач, ўз фао-лятининг жуда авж олдириб юборди. Мах-сус комитет тузди. Американиннг барча шаҳарларида «Мария Кюрининг радий фонди»га миллий обуна ташкил қиладилар. Орадан бир йил ўтмасданоя Парижга ку-вончи хабар етиб боради: «Пул тўллаб бўлинди, радий — сизники!» «Мария Аме-рикага жўнаб кетди ва 1921 йилнинг 30 майида Вашингтонда президент Гар-динг унга бир грамм радийни, тўғрироғи унинг рамзини туҳфа қилди — бу ана шу мақсад учун тайёрланган радий со-линган пробирка сақланадиган қўроғини қоққончи нафис сандиҳча эди.

Петербург заводида олинган радий эса кейинроқ Францияга келтирилди. Президенти Кюри хонимга уч хил рангдаги лента билан боғланган пергамент ўра-мини топишди ва унинг бўйнига сандиҳ-чаниннг олтин калити бор муар лентани тақиб қўйди.

Шавкат САЪДИЕВ тайёрлади.

*** Болалик боғи «АСАЛ АМАКИ»НИ ҚУТЛАЙМИЗ**



БОЛАЛАРНИНГ суюқли шоири Обид Расул бу йил 70 баҳорни қаршилади. Шоирнинг ижоди ҳам ҳаёти ҳам, меҳнат фаоляти ҳам мактаб билан чамбарчас боғланган-дир. У элдин Вит мобайнида болаларга тил ва адабиёт-дан таълим берди.

Обид Расулнинг ilk китоби «Кўнвоқ болалар» напир этилганига ҳам ўттиз йилдан ошди. Унинг «Олмазор», «Кўк чакмонли йилгич», «Асал амаки», «Келинг, биз-нинг полдизга» каби ўнлаб назмий тўпламлари аллақачон болаларнинг севимли китобларига айланиб кетган. Бу йил шоирнинг «Аҳиллик», «Хайрихон ва Майлихон» китоб-лари чоп этилиш арафасида.

Обид Расулнинг ижодий фаолятининг яна бир кир-расини тила олиб ўтмасдан бўлмайди. У салкам чорак асрдан бери «Янги йўл», «Истиқбол» туман газеталари қошида ташкил этилган ёш қаламкашлар тўғрарига раҳ-барлик қилиб келди, ҳавасдор ижод ақлига қўлидан келганча ижод сирларини ўртоқлашди.

«Оқшом» муштарийлари педагог-шоир Обид Расулга узоқ умр, бардамлик тилаб қолади.

КЎЗИМ БИЛАН АСРАЙМАН

Ватаним боғларини, Кўк ўнар тоғларини, Сўнам чиқроқларини — Кўзим билан асрайман.

Ота-онам орини, Бобонинг чинорини, Меҳрибон дийрмини, Сўзим билан асрайман.

Китобдай ўртоғимни, Билимдай чириғимни, Мустақил байроғимни Узим билан асрайман.

ЖЎШҚИН СУВ

Мен жўшқин сув, Умид оруз, Ер томири — қониман.

ОН ВА МЕҲМОН

Бугдойларим пишган чоғ, Завқим дарб — хушчақчақ. Турсам эрта тонг чоғи, Қалбим — осмон қучоғи.

Боқиб бугдойзоринга, Миниб тулпор — норинга Еламан — кўзи қадиқ.

Овқати сув, Бензин ёғ. Чарчаш нима билмас — у, Донинг исроф қилмас — у. Бунерлар тўла-тўла, Қонис ташиб бир йўла, Солмонис бугдойларини, Оқ маъиз — чиройини, Элга соғва — деб шошар, Хирмонин тоғдан ошар.

Донларим дона-дона, Хар дона оппоқ нон-а! Ноним бор, ҳеч гаим йўқ. Узгалардан камим йўқ. Хар қадамда тоғ хирмон, Комбаймин меҳрибон, Ишлаб тинмас бимда, Севдим уни жонимдан. Миллард тонна бугдойим, Элеваторда дом.

Элчи тўқ, ўртада нон. Нон билан азиз меҳмон. Обид РАСУЛ.

*** Ран-баран олам**

са, атроф-муҳитга, хусусан сувага таъсири-ни ҳисобга олсак, ҳавф-хатар, аён бўлади. Мутахассислар кўф бераётган ақ-волни, яъни ҳалокатлар оқибатини тўғ-ригининг турли йўллари билан топмоқ-далар. Уларнинг фикрича ҳалокат бўлган жойда унинг оқибатларини жуда ҳам тез дугатиш зарур. Бунинг учун эса кураватин тежаника кероқ.

Яқинда денгиз ҳалокатларини тугатиш учун кизилат қилнадиган учинчи «Эверсанд» деб номланган жуда ҳам улкан кема ишга туширилди. У Габриел германлик мута-хассис — кемаасаларга 6,7 миллион мар-кага тушди.

Кема Шимоллий денгизда синаб кўри-лди. «Эверсанд» кўлибга «қалокат» соди-р бўлган жойга соғина 10 узак тельида етиб келди. Капитан тугмачани бошини билан кема ишга ҳолатга келди. Мах-сус журилма сув бир чой қайнагуна ўтган фурсатда сува юзидеги доғларни шимириб олди.

Энг афзалии кема 140 куб метр суюқлик-ни ўз бағрига олгани мумкин. У ҳам йў-қонган нефть махсулотларини сеқиб қо-лади, ҳам атроф-муҳитни тазалайди. Аф-сусларли жойи шундаки, «Эверсанд» ҳо-зирча битта.

Тоҳир МАҲКАМОВ тайёрлади.

ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛ ҚОЛДИМИ!

«ҚОНУН йўли билан қўрилгангаётган ўр-монларга олиб борадиган йўллари бузиб ташлаш керак!» — Филиппин атроф-му-ҳит ва табиат нобяматларини муҳофаза қи-лиш вазирлиғи шундай қарорга келди.

Албатта бу чора ҳам мамлакатнинг шид-дат билан қисқиб бораётган ўрмонлари-ни ҳалокатдан сақлаб қолишмайди. Чунки ўрмон қонунсиз кесилиб олиб кетилади-ган йўлларини йўқ қилинади. Домн ўза-риб, аниқлиниб турадиган ўрмон ҳақидаги қонунлар ҳам бу ишнинг ажойиб ҳал қило-лмапти. Сабоби жуда кўп Филиппинликлар ўрмон кесиб кун кечиради.

Бугун мамлакат табиий бойлиқлари ҳа-лоқат ақасида. 100 йил олдин 16 миллион гектар ўрмон яшаб турган бўлса, ҳозир-да унинг 900 000 минг гектари шову-лаб турибди, холос. Мўтадил, меъбридан экологик муноосиблик учун олимларнинг фикрича 54 фоз ўрмон сақлашни қолтиш керак.

Филиппинда хар соғатда 25 гектар ўр-мон кесилмоқда. Шундай кетишда энг охириги дарҳат 32 йилдан кейин кесилди.

Филиппиндаги қийматга демак шунча йил қолди!»

«ЭВЕРСАНД» ЕРДАМГА ШАЙ

НЕФТНИ денгиз, уммовларда ташви ҳа-машина оғир муаммо бўлиб келган, Айнақ-

Фафур ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

МУХАРРАМ

Дунё-дунё гуноҳининг кечирган,
Сув деганда менга шароб чирган,
Қўлгаги тутиб шохин наби унган
Азизмасан, жигарбандим Мухаррам,
Саналганда жигар-бағринг бўлмас кам.

Азизмасан, дўстим, жоним тозасан,
Тошкентда эл аро овозасан.

Мендан бошқа тушмаган бир созасан,
Меҳрибоним, ахду баяним Мухаррам,
Охуларни қўйга кўзинг қилсан ром.

Раёдон, ялша, сунбул, жамбил — барисан,
Тола сочинг мазмуни анбарисан,
Ошиқ бўлган киши меҳдек қарисан,
Улуғиэрзо омансан Мухаррам,
Фараздларим сийнасан Мухаррам.

Юлдуз соғли болаларин сен тугдинг,
Вазъав ҳаво несия келди, бўғилдинг,
Бир ҳамирдек Фафур билан йўғрилдинг,
Бир ўт ичра нишган жоним Мухаррам,
Ғузалдада Ширин юнгим Мухаррам...

Саломат бўлгайсан хонадон бошимиз,
Кўёб бўлган нон каби йўлдошимиз,
Насибамиз сен пиширган ошимиз,
Мен қалб бўлай, қалбимда қон Мухаррам,
Мен тан бўлай, танимда жон Мухаррам.

«Согинишни шундан кейин ёзганлар Гафур ака...»
— Гафур аканинг кўли очик бўлган дейишди...
— Жуда ҳам қўллари очик, болажон одам эдилар. — Мухаррам ая жонлиби кетдилар. — Биродарим бир нарсани қизганларини эсло билмайман. Бир воқеани айтиб берай. Бир кун пиваларини кўрсатиб арз қилдим:
— Пиваларимизнинг лаби учмагани йўқ. Буларда меҳмонларга чой кўйиш у ёқда турсин, кўрсатгани ҳам уялади киши. Янги пивалар, олиб бермасангиз бўлмайди.
— Фурият кўчаси бўйлаб бозорга қараб юрдим. Йўлда тиланиб ўтирган кишини кўриб Гафур ака кўйиб кетдилар.
— Сен нега бу ерда ўтирибсан?
— Гафуржон ука, аввал айлансин, шу ерда ўтирмасам болалар нима ёйди ажри?!

* Гафур Ғуломнинг 90 йиллиги олдидан

**МЕН УЧУН
ЯГОНА ЭДИЛАР**



лар. Орқасидан қўй етилган биров ҳам бор. Дерров кўтиб олиб, дастурхон эрдим. Зогора нонлар, талқонларни кўйдим. Чой қайнатдим.
— Шу зогора нонни ўзингиз ёлдингизми? — сўрадилар Усмон ота. Кейин нон синдириб, талқондан тоқиндилар. Анча ўтирдилар. Охири кетиб тараддудига тушдилар. — Бу ҳазрат энди келмас керак, — дедилар кўлиб.
— Ҳарбий машғулотга, ундан кейин театрға борадилар, — дедим айманиб.
Худди шу пайтда икки ўғлим хурмачаларни ўйнатиб, кириб келиб қолдишди. Қаткичи вақтга сотиб бўлишган экан-да.
— Ҳали сизгир ҳам соғасизми? — сўрадилар Усмон ота. Сўнг ўйини кўздан кечирдилар. — Шу уйда турар экансизларда?
— Ўзга чиқиб Арпаполдаги шу жойини бизга берганлар. Қўришлар бўлди. Қадивотдаги ўйинимиз яхши эди деб кўярдим ўзимча. 1948 йилда қўрилган шу ўтирган ўйларимиз. Ҳовлининг боғ эди. Узумдан тортиб, гилосгача, олмаю анорлар товланиб ётарди.
— Ҳозир ҳам шу боғда Гафур ака ўз кўли билан эккан дарехлардан борми?
— Бор. Киравешидаги ўрик борку, уша Гафур акадан ёлгор, — Мухаррам ая жиймайди, — ўш ҳозир ҳам Гафур аканинг бошларига соя ташлаб туради. Ҳайкалларга, албатта. Киравешида кўзингиз тушган-ча?
— Аяжон, маззур тутинг, домланинг «Согиниш» шеъри кимга бағишлаган экансиз?
— Бунинг ўзига хос тарихи бор, албатта. Менинг укам бўларди. Мухаррам деган. Жуда ҳам келишган, аяжониб қобилиятли, ўт-олов эди. Гафур аканинг уни жуда ҳам яхши кўридилар. Худди ўз ўлдек эди. Раёдоннинг битирган, Тошкентга келиб ўрнатишга эрдим. Бизникида турди.
«Согинишдан» аввал «Кузатиш» деган шеър ёзганлар Гафур ака. Номидан ҳам кўриниб турибди, шеър жанга олганан йигитлар ҳақида. Уша пайлар жуда оғир эди шароит. Гафур ака озаб кетган эдилар. Бу ёқда 5 йилли ўғилчамиз Мирзо Яшар қорин тифр билан оғир бўлди. Унга Жўрақон укам қон бергани эсимда. Булмади, Яшарқондан айрилиб қолдик, худо кўп кўрди. Шундай пайтда Жўрақон хўрбига қақирлиди. Менинг хавлинида бир гап айланган: агар Гафур ака «Кузатишни» ёзганларидея Жўрақон хўрбийига бормасди. Шу гапимни аялга айтадим (аям у пайтда бизникида турардилар) аям ракинганамо:
— Кўй, унақа дема, қизим, — дедилар, — кўпга келган тўй, ахир. Абдуғафуржон қаердан билибди бунинг.
— Ҳовлига чиққанда назаринда ҳар бир бурчакдан Гафур Ғулом чиқиб келаётган экан. Юракларим зинтиб, ая билан хайрашладим.
«Аяжон, — дедим ич-ичимдан чиқатган хўрсиниқчи оғиб, — Гафур Ғуломнинг юз йили юришини орау қилганингиз. Бу йил устоз 90 йашга кирди. Яшай турган одамга юз йил нима бўлибди?»
Гафур Ғулом экан ўрни сўзимни тасдиқлагандек шамолда шивирларди. Оstonада буюк шоир ўзининг шеърларини бирини бағишлаган умр йўлдош [уни бутун эл-шомхонлар эътиборига ҳавола эт-моқдамиз] Мухаррам ая — бутун умрини, муҳаббатини, қалбини шоир Гафур Ғуломга қилган жон-баста авл, қўл силкиб мен билан хайрашладим.
Темур УБАЙДУЛЛО.

* Шундай хизмат бор

**КИМЁНИНГ ЭНГ
МУҲИМ СОҲАСИ**

ҲЕЧ бир фан кимё фани каби кўп тармоқли бўлмас керак. Усимликлар кимёси, тиббиёт кимёси, биоорганик кимё, ўғитлар кимёси, биокимё ва ҳоказолар. Шулар қаторига доришunosлик кимёси ҳам қиради. Ушбу соҳанинг республикамиз бўйича энг кучли билимдон Тошкент Давлат доришunosлик институтининг доценти, доришunosлик фанлари номзоди Али Ибодовдир.
— Доришunosлик кимёси кафедраси бир неча йўналишларда иш олиб боради, — дейди Али Юсупович биз билан суҳбатда. — Шулардан бири юқори фаолликка эга бўлган янги-янги дори моддаларини яраттириш. Бунда асосан дори моддаларини олиш учун бир қанча усуллардан фойдаланилади. Яна бир йўналиш дорилар сифатини назорат қилишни ўз ичига олади. Вақт ўтиши билан ҳар қандай дори-дармон ўзининг шифобахшлигини йўқотиши, ҳатто зарарли моддага айланиши ҳам мумкин. Бундай доридан фойдаланиш мумкин эмаслигини эмаслигига факат доришunosлик кимёси мутахассисини қафолат бера олади.
Юртимизда инсон саломатини ҳўққуний томондан ҳимоя қилинади. Ҳар қандай дорини фойдаланишда руҳшат берадиган махсус доришunosлик қўлланмаси ҳам ҳўққуний мақомага эга. Ҳатто дори тайёрлашдан қорхоналардан дорихоналарга келган препаратлар қайта текширувдан ўтказилганда махсус қўлланма талабларига жавоб берагани сотувга чиқарилади.
Эътибор қўлган бўлсангиз, дорилар турли шакл ва катталикларда идишларда ҳар хил қозғаларга ўралган бўлади. Бу ерда ҳам кафедранинг яна бир йўналишини кўриш мумкин.
— Ваъзи дорилар қўёш нури таъсирида ўз фаоллигини йўқотди, — дейди у сўзини давом эттириб. — Буларга асосан дармондорилар қиради. Шунинг учун улар истеъмол қилиш мумкин бўлган қонқиларига ўралган ҳолда чиқарилади. Гироскопик дорилар, яъни урадан грануласи, пиперазин, плантаглюцид қабилир оса намлик таъсирида тез бузилади. Шунинг учун улар зарқозғоларга ўралган бўлади. Гормонлар, фермент ва антибиотиклар иссиқликка дош бериша олмади. Шу сабабли улар совуқ жойда сақланиши лозим.
Дорихоналарга кирсангиз катта ишча идишларда су-юқ дориларни кўриш мумкин. Кафедра олимларининг фикрича дориларни бундай сақлаш тўғри эмас, ҳар бир дори бир мезғерда алоҳида сақланиши шарт. Чўчки оғина фойдаланган дориға микроблар тушади ва уни энди истеъмол қилиб бўлмайди.
Доришunosлик кимёси кафедраси фаолияти туфайли доришunosлик нафақат дорихоналар, балки бошқа давлат ташкилотлари учун ҳам зарур. Айниқса суд-тиббиёт экспертизаси, ички ишлар соҳаси ва боксонга комитетда уларнинг хизмати беиҳоро муҳим. Шунинг учун ҳам Али Юсупович ўз соҳасини ўрганишда ҳар бир талабдан ўта талабчан бўлишни истайди ва бунга ўзи ҳам қатъий амал қилади.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.



* Муштарий илтимоси
**ДАСТУРХОН УСТИДА
ЎҚИМАСЛИК КЕРАК**

● Ҳурматли тахрират! Айтишларича, овқатланш билан бир вақтда мутолаа қилишнинг ишни кўзга салбий таъсири бор экан. Шу ҳақда мутахассис фикрини берсангиз.

Лола МУҲАМЕДОВА, талаба.

ОВҚАТ ҳазм бўлиши мураккаб физиологик жараён ҳисобланади. Овқат мездага тушмасдан олдин ферментларга боё мезда шираси ажралиб, бу ишҳа очилиши билан рўй беради. Ишҳа овқат ҳазм бўлиши жараёнига жуда яхши таъсир қилади. Овқат ишҳа билан айланганда танага яхши сингади.
Овқатланмаган пайтда китоб ёки газета ўқилиш ҳазм беклари иши ва мезда шираси ажралishi тормоқланади, ишҳа йўқолади, одам еган овқатидан лаззат олмади. Одам таомни еб турми, бирор нарсга ўқинганда луқмани чала-чулгага чийиб ютади. Чала чийилган овқат мездага тушиб, яхши ҳазм бўлмайди. Бундай ҳодиса тез-тез рўй бериб турадиган бўлса, гастрит, яра касалиги, мезда ости безининг яллиғлишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, овқат пайтда ўқиниб берилиб кетган одам керакмас нарсани ютиб юборганини билмай қолиши, ҳалқум, қизилунгачни шикостилаб қўйиши мумкин.
Овқатланмаган пайтда ўқинган одам кўзини дастурхондан газета ёки китобга тез-тез олишга мажбур бўлади, бунда ўқилмаган матн билан дастурхон орасидаги масофа тез-тез ўзгарганидан кўз бунга мослашиши керак бўлади. Кўзга оғирлик тушарса вақт ўтиши билан у хираланиб қолиши мумкин.
Шуни ҳам унутмаслик керак. Дастурхон устида келор нарса ўқиб ўтириш аτροφодига кишилорга, овқатни пиширишга қанча вақтини, кўчини сарфлаган одамга нисбатан ҳўрматлилик ҳам бўлади. Зеро, овқатланш маданияти умумий маданиятнинг бир қисмидир.

Маърифат ОРИҲОҚОВА.

* Бу — қизик

**МУСИҚА
ТИНГЛОВЧИ...
ИЛОН**

МАНИЛА шаҳрининг Тоңдо туманида истиқомат қилувчи Селерина Вильнуза уй юмушларини мусиқа тинглаб бажаришни яхши кўради. Бир кун у йўловчи ликопчанин орқа томонини ағдармоқчи бўлганда кутимлаган шиनावандани кўриб, кўрқиб кетди. Аёлнинг қичқирини эгиб келган қўшвилар кулда бўлиб ётган уч метрли бўғма иловни эурға ҳайдаб юборишди.

**ДУРОВ
ГУРУҲИГА
МАНСУБ**

ОРЕЛ шаҳри театрида скрипка чалиниши билан сахнада қаламуш пайдо бўлди. Жонивор қўллари билан тумшуғини сийпа-лаб мусиқага қулқ соларди. Бундай мўъжизанинги сирни кейинчалик аниқлади. Машҳур дирижистри В. Дуров ўргатилган ҳайвонлари билан шу ерда томоша кўрсататган экан. Бу қаламуш Дуров гуруҳи аъзоларидадан бири эди...

**ТАНГОГА ЖўР
БўЛГАН БУРИ**

МАКНОР ва оч бўри «Любаский» давлат хўжалиги чўпонларининг тинчиши бўлди. У молларга қирон келтира бошладим.

Чўпонлар зора ҳайнаса деган мақсадда итларнинг ақиллаган товуши ёзилган магнит лентасини қўйиб қўришди. Бўри теада бу сирдан оғох бўлди. Яна бузоқларга шикаст етказаверди. Бир кун тузда чўпонлар транзиторида таралаётган танго кўйини тинглаб ўтиришарди. Шу пайт кўпга ҳамоҳанг бўлаётган товуш эшитилди. Чўпонлар келиб қарараса, сал нарида жойлашган олган бўри танго оҳангига «жўр бўлиб» унзлаётган экан. У кўйини шу қадар берилиб тинглардики, ҳатто чўпонлар унинг бўйига сиртмоқ солганларини ҳам сезмай қолди.

Нодира АВДИРИМОВА тайёрлади.



Пойтахтимиздаги ўсимликшunosлик моддалари кимёси институтда самарали изланишлар олиб борилатди. Мазкур билим меканинда яратилган ангилликлар халқ хўжалигини тақомиллаштиришда катта аҳамият касб этапти.

СУРАТДА институт аспиранти Н. Мақсумова тақриба ўқитаятган пайт акс эттирилган. Димитрий Бирнх сурати.

* Қатралаар

— Усаа — узийди-да, — деди Лоқайд.
— Шийпоннинг томини эса учириб юборибди.
— Учирса-учирибди-да, — бепарво жавоб берди Ана Лоқайд, — менга нима!
— Ҳой, Лоқайд, — деди йўгурганга етиб келган Зийрак, — шамол ишқомларининг ағдар-тўнгар қилиб юборибди.
— Вой, шўрим! Эндиги нима қиламан, а?
— Нима қилардинг? Яна ишлайсан энди, Жонинг ачи, аввал ўзининг, сўнг ўзгалар нарасининг қадрига етсанг, зора.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ҲўРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕХМОНЛАРИ!
1993 йил 1 октябргача
Истиқлол қўчасида «Тошкент шаҳар меза-сабзавот саноати» бйрлашмасининг

ДОИМИЙ МЕВА-САБЗАВОТ ЯРМАРКАСИ ўтказилади ва бу ерда эътиборингизга қўйилган анги сабзавотлар: помидор, бодринг, қарам, гулмари, кўпнўз, саёз, редиска, лавозит, картошка, бош ивёз, явезиллар, шунингдан бошқа меза-сабзавот ва қайта ишланган маҳсулотлар ҳавола этилади.
ИШ ВАҚТИ: СОАТ 9.00 дан 19.00 гача.
«Тошкент шаҳар меза-сабзавот саноати» Тошкент шаҳар давлат кооператив ишлаб чиқариш-саноат Бйрлашмаси.

Алишер Исмолович ШОҒУЛОМОВНИНГ
фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чўқур таъзия наҳор қилади.
Узбекистон Республикаси Президенти Маҳмадмининг Ишлар бошқармаси хўзурдаги «Шарк» нашрийт-матбаа концерни жамоаси концернининг бош директори И. Ш. Шоғуломовга ўғли
Алишер Исмолович ШОҒУЛОМОВНИНГ
фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чўқур таъзия наҳор қилади.
Узбекистон Республикаси Президенти Маҳмадмининг Ишлар бошқармаси хўзурдаги «Шарк» нашрийт-матбаа концерни жамоаси Узбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетининг раиси Р. Ш. Шоғуломовга ўғли
Эркин Рустамович ШОҒУЛОМОВНИНГ
фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чўқур таъзия наҳор қилади.

Хафталик кўрсатувлар

Душанба, 3 май

УзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.25 «Чаман» фольклор-раёс ансамблининг концерти.

Сешанба, 4 май

УзТВ I
7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.30 «Матлубатинг бахти». Фильм-концерт.
8.10 «Галабадан сўнгги жанг».

Чоршанба, 5 май

УзТВ I
7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.30 «Қувондиқ Исқандаров куйлари». Фильм-концерт.
8.00 «Галабадан сўнгги жанг».

Пайшанба, 6 май

УзТВ I
7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.30 «Хотир ва санъат бахти». Телефильм.
8.05 «Азият, эрикларга сўй-калган». Бадий фильм.

Жума, 7 май

УзТВ I
7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.30 «Саодатли санъат сайра-ри». Фильм-концерт.
8.10 «Сўлим мавсум». Бадий фильм.

Шанба, 8 май

УзТВ I
7.00 «Ассалоғу алайкум».
8.00 «Генерал Раҳимов». Бадий фильм.
9.35 «Алиф сабқлари». Кўп қис-ли телевизион бадий видео-фильм [Ҳиндистон].

Якшанба, 9 май

УзТВ I
7.00 «Гул дарди». Муслиқ кўрсатув.
8.05 «Турнистон» ахбороти.
8.35 «Мақбурат». Кўп қис-ли телевизион бадий видео-фильм [Ҳиндистон].

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Соғва», 19.00 «Мулоқот», Телефильм.
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
21.00 «Узбекистон» ахбороти.
21.30 XII қаҳирмън Узбекистон Республикаси Олий Кенга-шининг XII сессияси олди-дан.

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Табас-тум», 19.00 «Билим сарчамалари».
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Табас-тум», 19.00 «Билим сарчамалари».
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Табас-тум», 19.00 «Билим сарчамалари».
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
12.55 «Йўловчи ва транспорт».
13.20 «Истиқлол жилolari». Муслиқ кўрсатув.

УзТВ II
12.55 «Йўловчи ва транспорт».
13.20 «Истиқлол жилolari». Муслиқ кўрсатув.

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Соғва», 19.00 «Мулоқот», Телефильм.
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
21.00 «Узбекистон» ахбороти.
21.30 XII қаҳирмън Узбекистон Республикаси Олий Кенга-шининг XII сессияси олди-дан.

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Табас-тум», 19.00 «Билим сарчамалари».
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Табас-тум», 19.00 «Билим сарчамалари».
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Табас-тум», 19.00 «Билим сарчамалари».
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
12.55 «Йўловчи ва транспорт».
13.20 «Истиқлол жилolari». Муслиқ кўрсатув.

УзТВ II
12.55 «Йўловчи ва транспорт».
13.20 «Истиқлол жилolari». Муслиқ кўрсатув.

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Соғва», 19.00 «Мулоқот», Телефильм.
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
21.00 «Узбекистон» ахбороти.
21.30 XII қаҳирмън Узбекистон Республикаси Олий Кенга-шининг XII сессияси олди-дан.

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Табас-тум», 19.00 «Билим сарчамалари».
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Табас-тум», 19.00 «Билим сарчамалари».
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Табас-тум», 19.00 «Билим сарчамалари».
19.30 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

УзТВ II
12.55 «Йўловчи ва транспорт».
13.20 «Истиқлол жилolari». Муслиқ кўрсатув.

УзТВ II
12.55 «Йўловчи ва транспорт».
13.20 «Истиқлол жилolari». Муслиқ кўрсатув.

Тошкент оқшоми
МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси
Газета Узбекистон Республикаси Давлат маъбуот номида рўйхатга олинган.
Рўйхат сони — 000101.